



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ИМПОРТИДА РАҚАМЛИ БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Калжанов Бахадыр Даулетбаевич
Тошкент шаҳар божхона бошқармаси
Божхона аудити бўлими бош инспектори
e-mail: tolqindayi2@gmail.com

Аннотация:

Мазкур тезисда рақамли иқтисодиёт шароитида енгил автомобиллар импорти жараёнида божхона маъмуриятчилигини модернизация қилиш ва хавфларни бошқариш тизимини (RMS) такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Ишда божхона расмийлаштируви вақтини қисқартириш, инсон омилини камайтириш ва фискал хавфларни баҳолашнинг эконометрик ҳамда кўпқатламли концептуал моделлари илгари сурилган. Тадқиқот натижасида соф электромобиллар (EV) ва изчил гибридларни (EREV) ТИФ ТН коди даражасида дифференциация қилиш ҳамда божхона аудити (РСА) самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли божхона, енгил автомобиллар импорти, хавфларни бошқариш тизими, божхона аудити (РСА), VIN-код, EV/EREV таснифи.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЦИФРОВОГО ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ И СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ ПРИ ИМПОРТЕ ЛЕГКОВЫХ АВТОМОБИЛЕЙ

Калжанов Бахадыр Даулетбаевич,
Главный инспектор отдела Таможенного аудита
Таможенного управления по городу Ташкента,
e-mail: tolqindayi2@gmail.com

Аннотация:

В данном тезисе исследуются вопросы модернизации таможенного администрирования и совершенствования системы управления рисками (RMS) в процессах импорта легковых автомобилей в условиях цифровой экономики. В работе выдвинуты эконометрические и многоуровневые концептуальные модели сокращения времени таможенного оформления, минимизации человеческого фактора и оценки фискальных рисков. По результатам исследования разработаны практические предложения по дифференциации чистых электромобилей (EV) и последовательных гибридов (EREV) на уровне кодов ТН ВЭД, а также по повышению эффективности таможенного аудита (PCA).

Ключевые слова: цифровая таможня, импорт легковых автомобилей, система управления рисками, таможенный аудит (PCA), VIN-код, классификация EV/EREV.

КИРИШ

Рақамли иқтисодиёт шароитида ташқи савдо операцияларини самарали бошқариш, жумладан энгил автомобиллар импортини тартибга солишда



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

божхона маъмуриятчилигини модернизация қилиш устувор аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда божхона тизимида рақамли трансформация жараёнлари жадаллашиб, хавфларни бошқариш тизимини (risk management system) жорий этиш орқали товарларни саралашнинг “яшил”, “сарик” ва “қизил” йўлаклари амалиёти кенг қўлланилмоқда. Мазкур институционал ўзгаришларнинг энгил автомобиллар импорти самарадорлигига реал таъсирини чуқур баҳолаш ва мавжуд тизимни такомиллаштириш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

ЭКОНОМЕТРИК ВА ИНДИКАТОРЛИ АСОСЛАШ

Энгил автомобиллар импортида божхона маъмуриятчилиги самарадорлиги ва хавфларни бошқариш тизими ўртасидаги боғлиқликни миқдорий баҳолаш мақсадида рақамли божхона тизимининг самарадорлиги қуйидаги концептуал модель орқали ифодаланади:

$$ClearanceTime = f(RiskAccuracy, DigitalIndex, DataIntegrationLevel)$$

Бунда:

ClearanceTime - божхона расмийлаштирув вақти;

RiskAccuracy - хавфларни аниқлаш аниқлиги индекси;

DigitalIndex - рақамлаштириш даражаси индекси;

DataIntegrationLevel - ахборот тизимлари интеграция даражаси.

Хавфни бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги таркибий компонентлардан ташкил топган хавф индекси (I_{risk}) ишлаб чиқилди:

$$I_{risk} = w_1 * P_d + w_2 * V_g + w_3 * T_r$$

Бу ерда:

P_d - қоидабузарлик эҳтимоли,



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

V_g - божхона қийматидаги оғиш (value gap),

T_r - транзакция таваккалчилиги,

w_i - вазн коэффициентлари. I_{risk} - қоидабузарлик эҳтимоли индексининг юқори бўлиши декларациянинг “қизил йўлак”ка тушиш эҳтимолини оширади. Рақамли божхона тизимида “яшил йўлак” улушининг ошиши умумий расмийлаштирув вақтини қисқартиришда асосий омил бўлиб, у куйидаги индикатор билан ўлчанади:

$$K_{green} = \frac{\text{Яшил йўлак орқали чиқарилган декларациялар сони}}{\text{Умумий декларациялар сони}}$$

МАВЖУД ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР

Амалга оширилган ислохотларга қарамасдан, енгил автомобиллар импорти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар мавжуд:

- Амалдаги хавф профиллари асосан ретроспектив маълумотларга таянади, бу эса янги турдаги қоидабузарликларни реал вақтда аниқлаш имконини бермайди.
- Идораларо ахборот тизимлари интеграциясининг пастлиги маълумотлар фрагментациясини келтириб чиқармоқда.
- Автомобилларнинг инвойс қийматини сунъий пасайтириш (фискал хавф) сақланиб қолмоқда.
- ТИФ ТНнинг 8703 80 товар позицияси доирасида соф электромобиллар (EV) ва изчил гибридларнинг (EREV) бир код остида таснифланиши риск моделларида статистик хатоликларни (мультиколлинеарлик) юзага келтирмоқда. Тизимни такомиллаштиришнинг концептуал архитектураси



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида енгил автомобиллар импортида рақамли божхона маъмуриятчилигининг кўпқатламли (multi-layer) концептуал архитектураси таклиф этилади (1-расмга қаранг):



1-расм. Енгил автомобиллар импортини рақамли платформа орқали бошқариш архитектураси¹

Ушбу архитектура доирасида тизимни такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

Data-driven ва Machine Learning тизимига ўтиш: Ретроспектив профиллардан воз кечиб, автомобилнинг маркаси, йили, от кучи ва экспортёр мамлакати асосида хавф даражасини динамик баҳоловчи ўз-ўзини ўрганувчи (self-learning) алгоритмларни жорий этиш.

Қийматни автоматик верификация қилиш: Халқаро аукцион ва дилерлик платформалари базалари билан интеграция орқали value gap (божхона қийматидаги оғиш) кўрсаткичини автоматик аниқлаш.

¹ Муаллиф ишланмаси



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Товар номенклатурасини деталлаштириш: 8703 80 товар позициясини субпозицияларга ажратган ҳолда, соф электромобилларни 8703 80 00 коди, изчил гибридларни (EREV) эса 8703 80 90 коди остида алоҳида таснифлаш ҳамда уларни VIN-код параметрлари билан автоматик боғлаш.

Божхона аудити (Post-Clearance Audit) устуворлиги: Асосий назорат босимини чегарадан товарларни чиқаришдан кейинги босқичга (РСА) ўтказиш. Бунда RMS тизими бојхона аудити учун объектларни (тадбиркорларни) автоматик скоринг асосида танлаб беради.

ХУЛОСА

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ўтказилган эконометрик таҳлиллар натижалари рақамли иқтисодиёт шароитида енгил автомобиллар импорти маъмуриятчилигини тубдан модернизация қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бојхона қийматини белгилаш ва тўловларни ҳисоблаш жараёнларида шаффофликни таъминлаш, фискал хавфларни камайтириш мақсадида инвойслар ва банк кафолатлари маълумотларини блокчейн реестрига киритиш тавсия этилади. Бундай маълумотларга асосланган (data-driven) тизимнинг жорий этилиши ҳужжатларни сохталаштириш хавфини тўлиқ бартараф этиш билан бирга, хавф даражаси юқори бўлган декларацияларни автоматик аниқлаш имконини беради.

Енгил автомобиллар импортини рақамли платформа орқали бошқаришнинг таклиф этилаётган кўпқатламли модели бојхона назорати самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади. Мазкур модель доирасида транспорт воситаларини VIN-код параметрлари асосида автоматик таснифлаш, 8703 80 товар позициясини деталлаштириш орқали EV ва EREV турларини ажратиш ҳамда асосий назорат оғирлигини бојхона



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

аудити (РСА) босқичига ўтказиш лозим. Ушбу мажмуавий рақамли ечимларнинг татбиқ этилиши "яшил йўлак" улушини ошириб, умумий божхона расмийлаштируви вақтини кескин қисқартиришга ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай, шаффоф муҳит яратишга хизмат қилади..

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2026 йилдаги ПФ-21-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/8050769>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2025 йилдаги ПҚ-181-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/7533457>
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти. “Хавфни бошқариш тизими” Дарслик. 2021. <https://yurkitob.uz/uploads/pdf/adv/76.pdf>
4. О.Хасанов, Қ.Каримқулов, Б.Абдуғаниев ва И.Асқаров. “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот дастури. -Т.: Божхона экспертизаси фанидан дарслик. 2012. – 88 б. https://kitob.sies.uz/frontend/web/kitob/kitob_005fb8b4ffdb2bb.pdf
5. М.Бустонов. DSc диссертация: Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ўсиш омилларининг таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш (2022) <https://unilibrary.uz/dissertation/366665.>,
6. Бошқа интернет сайтлари